



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VA XORIJIY OLIY TALIM MUASSASALARI
PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR,
MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

DAVRIYLIGI: 2018-2025

RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI

ILMIY KONFERENSIYA

YANGI O'ZBEKISTON: 2025

CONFERENCES.UZ

ILMIY TADQIQOTLAR

| ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES |

MATERIALLAR TO'PLAMI

FEVRAL

№ 73
TOSHKENT



CONFERENCES.UZ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
1-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ЧАСТЬ-1**

**NEW UZBEKISTAN:
SCIENTIFIC RESEARCH
PART-1**

ТОШКЕНТ-2025



УЎК 323(575.1)(063)

КБК 66.3(5Ў)я43

Й-18

DOI 10.5281/zenodo.11390854

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: Илмий тадқиқотлар» [Тошкент; 2025]

«Янги Ўзбекистон: Илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 73-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 феврал 2025 йил. – Тошкент: «Tadqiqot», 2025. – 81 бет.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: – илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазибалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар -

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тугган ўрни -

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви -

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Беш муҳим ташаббус" маркази раҳбари)

6. Журналистика -

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –

Самигова Умида Ҳамидуллаевна ("Kinder land of Asia" НТМ ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари)

8. Адабиёт -

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни -

Phd Воҳидова Меҳри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -

Турсунназарова Эльвира Таҳировна (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржимонлик факультети, инглиз тили амалий таржимаси кафедраси в.б. доценти, PhD)

11. Жисмоний тарбия ва спорт -

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)



14.Тасвирий санъат ва дизайн-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва хаёт-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -

Доцент Нормирзаев Абдукаюм Рахимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари -

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар -

Зупарова Зулфия Ахрор кизи, Тошкент тиббиёт академияси фармакология кафедраси доценти, DSc (фармацевтика фанлари доктори)

19.Фармацевтика -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари -

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -

Ўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -

Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География-

Ўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

КИБЕРЖИНОЯТЛАР, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.

Сулайманов Фаррух Райимжанович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби тингловчиси
Телефон: +998 99 326 50 10
xondamirumarjon@gmail.com

Аннотация: мақола кибержиноятлар турлари, уларнинг тушунчаси, унга қарши курашиш бўйича миллий ва хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганишга бағишланган бўлиб, шу асосда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кибермакон, кибержиноят, киберхавфсизлик, интернет, ахборот, хавфсизлиги, ахборот технологиялари, халқаро ҳамкорлик, электрон дастурлар.

Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот чегара билмас кучга айланиб, бутун дунё аҳолисини бошқармоқда. Энг йирик глобал маконга айланган интернет нафақат шахсга, балки жамият ва давлат хавфсизлигига даҳл қилувчи қуролга ҳам айланиб улгурди. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШХТ, МДХ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жинойий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 5,52 млрд.дан ёки дунё аҳолисининг 67,5% ортиғи интернет фойдаланувчиси ҳисобланиб, киберхавфсизлик бўйича халқаро экспертлар фикрича 2023 йилда киберхужумлар ҳар 9 секундда содир бўлган. Statista's Market Insightsнинг ҳисоботларига асосан дунёда 2024 йилнинг ўзида кибержиноятчилик оқибатида 9.22 триллион доллар зарар етказилган.

I. Кибержиноят тушунчаси ва уларнинг турлари

Кибержиноятлар – бу ахборот технологиялари, интернет ва компьютер тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар бўлиб, уларнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- Ҳакерлик хужумлари – компьютер тизимларига ноқонуний кириш, маълумотларни ўғирлаш ёки ўзгартириш, маълумотларни йўқ қилиш, фуқаролар ва давлат мулкани ўзлаштириш ёки уўбу мулкларга зарар етказиш;

- Фишинг ва киберқаллоблик – фирибгарлик йўли билан шахсий маълумотлар, банк реквизитлари ва паролларни қўлга киритиш, шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш;

- Махфий маълумотларни тарқатиш ва шантаж – шахсий ёки давлат ахборотларини ошкор қилиш билан таҳдид қилиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларга путур етказиш;

- Кибертерроризм ва давлат ахборот тизимларига хужумлар – давлатнинг стратегик ахборот базаларига кириб, фаолиятига хавф туғдириш;

- Дастурий вируслар тарқатиш – зарарли дастурлар ёрдамида компьютер ёки мобил қурилмаларни ишдан чиқариш, компьютер саботажини.

Бугунги кунда интернет тармоғининг чегараси бўлмагани каби кибержиноятларнинг тугаш чегарасини ҳам белгилаб бўлмайди. Кундан кунга кибержиноятларнинг содир этиш усулларни ошиб бориши натижасижа унинг турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Шу сабабли кибержиноятларнинг содир этилиши усулидан келиб чиқиб, юқоридаги жиноятлар турларининг умумий номланиши келтириб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ахборот технологиялари соҳасида жиноятлар алоҳида ХХ¹-боб сифатида 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни билан янги таҳрирда



қабул қилинди ва ушбу боб янги жиноят турлари билан тўлдирилиб келинмоқда.

Жумладан, 2024 йил 19 январдаги ЎРҚ-899-сонли Қонунга асосан ушбу боб 278⁸-модда, яъни Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш ҳамда 278⁹-модда, яъни Майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш каби жиноятлар билан тўлдирилди. Келажакда ушбу соҳадаги жиноятлар тури янада кўпайиб боришига ишончимиз комил.

Бундан ташқари, амалдаги Жиноят кодексининг айрим моддаларининг диспозициялари “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда”, “қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ҳамда ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда” деган жиноятлар тушунчалари билан тўлдирилди.

II. Ўзбекистонда кибержиноятларга қарши курашиш тизими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида белгиланган етти устувор йўналишларидан бири “Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш” ҳисобланади.

Ушбу устувор йўналишнинг биринчи, Тараққиёт стратегиясининг эса 89-мақсадида, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга оид қуйидаги:

-ахборот соҳасини тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;

-фуқароларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш;

-шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни Интернет тармоғида ошкор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш;

-кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

2022 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади – мамлакатимизда киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлса, асосий вазифалари – кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда кибержиноятларга қарши курашиш борасида бир қатор қонунлар ва норматив ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистонда ахборот технологиялар, электрон дастурлар, электрон ахборот олиш усуллари ва кибержиноятлар ҳамда уларнинг турлари ва бошқа тушунчалар ҳақида маълумотлар берилган.

Жумладан:

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонун 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сонли Қонун – ушбу қонун мазмуни ахборот эркинлиги ва кафолатлари, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат;

Шунингдек, “Электрон ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун 2015 йил 5 декабрдаги 395-сонли Қонун – ушбу қонунда давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий этиш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тартибга солинган.

III. Кибержиноятларга қарши курашишда учраётган муаммолар

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кибержиноятларга қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича бир қатор муаммолар мавжуд.

1. Қонунчиликдаги бўшлиқлар – кибержиноятларнинг янги турлари тез пайдо бўлаётгани сабабли, амалдаги қонунчиликни амалиётда юзага келаётган муаммолар билан ўзаро таққослаб, мониторинг ўтказиб уларни доимий янгилаш, мукамаллаштириб бориш талаб этилади.

2. Техник имкониятларнинг чекланганлиги – ҳуқуқ-тартибот органлари ва давлат



муассасаларининг кибержиноятларга қарши курашиш учун зарур ускуналар ва дастурий таъминот билан тўлиқ таъминланмаган.

3. Амалий тажрибанинг етишмовчилиги – кибержиноятларга қарши курашишда малакали мутахассисларнинг камлигини, уланинг малакасини ошириш зарур.

4. Жамоатчилик кибержиноятлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасликлари, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даража эмаслиги – кўп фуқаролар ва тадбиркорлар кибермакон нима эканлиги, ундаги кибержиноятлар ҳақида ахборотга эга эмасликлари ҳамда киберхужумлардан қандай ҳимояланиш кераклигини яхши тушунмайди.

IV. Муаммоларни ҳал этиш йўллари

Кибержиноятларга қарши курашиш ва уларни аниқлаш самарадорлигини ошириш учун юзасидан қуйидаги чоралар таклиф этилади:

Қонунчиликни такомиллаштириш, кибержиноятларга оид қонунларнинг халқаро стандартларга мос келиши ва доимий янгиланиб, мукамаллашиб боришини таъминлаш, унга қарши курашишда замонавий техника инфратузилмани кучайтириш, киберхавфсизлик тизимларини янгилаш, давлат идораларининг ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш юзасидан салоҳиятини ошириш, IT-экспертлар тайёрлаш, уларни халқаро тренингларга жалб қилиш, оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари орқали кенг тарғибот ишларини олиб бориш, интернет фойдаланувчиларини киберхужумлардан ҳимояланиш йўллари ҳақида хабардор қилиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш – кибержиноятларнинг трансмиллий хусусиятини инобатга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш.

Кибержиноятлар бугунги кунда нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам жиддий таҳдидлардан бирига айланмоқда. Ўзбекистонда ушбу муаммога қарши курашиш учун муайян қонунлар ва тизимлар мавжуд бўлса-да, ҳали ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Киберхавфсизликни таъминлаш учун қонунчиликни такомиллаштириш, техник имкониятларни ошириш, аҳолининг билим даражасини кўтариш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.statista.com/> (The Statistics Portal) <https://worldmarketstudies.ru/>
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/111453> . (Мурожаат этилган сана 07.02.2025 йил).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/uz/docs/5960604> (Мурожаат этилган 07.02.2025 йил).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/83472?ONDATE=30.03.2021%2000> (Мурожаат этилган 07.02.2025 йил).\
5. Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/2833860>. (Мурожаат этилган сана 07.02.2025 йил)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/5841063> (Мурожаат этилган сана 07.02.2025 йил).



ЮРИДИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТИЗИМИДА ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Машкуров Ғайрат Абдужалилович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби мустақил изланувчиси,
юридик фанлар номзоди,
E-mail: gayratsshoh@gmail.com

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада юридик технологиялар тизимида ҳуқуқий мониторингнинг роли назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Бунда муаллиф ҳуқуқий мониторинг билан юридик техника, юридик экспертиза, юридик прогнозлаш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги юридик технологиялари билан ўзаро таққослаган ҳолда уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиқ беришга ҳаракат қилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: юридик техника, ҳуқуқий мониторинг, қонун сифати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, юридик техника, норматив ҳужжат лойиҳаси, ижтимоий муносабат, тартибга солиш таъсири ва б.

АННОТАЦИЯ: в данной статье теоретически освещается роль правового мониторинга в системе юридических технологий. При этом автор попытался раскрыть их специфические аспекты путем сравнения правового мониторинга с юридической техникой, юридической экспертизой, юридическим прогнозированием, оценкой регуляторного воздействия и юридическими технологиями мониторинга правоприменительной практики.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: юридическая техника, правовой мониторинг, качество закона, правоприменительная практика, нормативно-правовой акт, юридическая техника, проект нормативного акта, общественные отношения, регуляторное воздействие и др.

ABSTRACT: This article theoretically illuminates the role of legal monitoring in the system of legal technologies. In this case, the author attempted to reveal their specific aspects by comparing legal monitoring with legal technology, legal expertise, legal forecasting, regulatory impact assessment, and law enforcement practice monitoring.

KEYWORDS: legal technique, legal monitoring, quality of law, law enforcement practice, normative legal act, legal technique, draft normative act, social relations, regulatory impact, etc.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда юридик технологиялар ва уларнинг турлари шиддат билан ривожланмоқда. Юридик технологиялар тизимида ҳуқуқий мониторинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

Юридик технологиялар турли мезонларга асосан таснифланади. Бунда юридик технологиялар таснифининг энг кенг тарқалган турларидан бири академик Т.Я.Хабриева томонидан таклиф этилган тегишли жараёнларга жалб қилинганлик даражасидан келиб чиқиб таснифлаш ҳисобланади. Таснифлашнинг ушбу турига мувофиқ юридик технологиялар куйидаги турларга ажратилади:

а) қонун сифати ва ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини таъминловчи умумтизимли юридик технологиялар (юридик техника, ҳуқуқий мониторинг, юридик прогнозлаш, ҳуқуқий экспертиза ва б.);

б) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этувчи махсус юридик технологиялар (коррупцияга қарши мониторинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг махсус коррупцияга қарши экспертизаси, хатарларни баҳолаш);

в) мувофиқлаштирувчи юридик технологиялар (тартибга солиш таъсирини баҳолаш, қонунчиликни тизимлаштиришнинг ахборот-ҳуқуқий технологиялари, ҳуқуқий маълумотларни қайта ишлаш).

Юқоридаги таснифдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқий мониторинг ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ўзгартириш, ушбу нормалар ҳамда уларни амалиётда қўллашда кўзланган мақсадга ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг режалаштирилган натижаларига эришишга қаратилган фаолиятни кузатиш, таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш бўйича ваколатли субъектларнинг методик асосланган, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўлларини прогнозловчи



комплекс тизимли фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Айнан юқорида санаб ўтилган жиҳатлари билан ҳам ҳуқуқий мониторинг юридик технологияларнинг бошқа турларидан ажралиб туради.

Ҳуқуқий мониторингнинг моҳияти ҳақида сўз кетганда тадқиқотчи Р.Сайидов ҳуқуқий мониторинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини доимий кузатиш, ҳуқуқий тизимнинг ҳолатини танқидий баҳолаш натижасида уни мақбул ҳолатга келтириш усул ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилишга хизмат қилишини таъкидлайди¹.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторингнинг моҳиятини тўғри тушуниш орқали унинг юқорида кўриб ўтилган юридик технологияларнинг бошқа турларидан фарқини ажратиш кўрсатиш мумкин. Қуйида ҳуқуқий мониторингни айрим юридик технологиялар билан фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Аввало ҳуқуқий мониторингни юридик техника билан фарқли жиҳатига тўхталиб ўтсак. Умумэтироф этилган қоидага мувофиқ юридик техника деганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тизимлаштиришда қабул қилинган қоидаларга мувофиқ қўлланиладиган усуллар, воситалар ҳамда услублар мажмуи тушунилади².

Демак, юридик технологиянинг алоҳида тури сифатида юридик техниканинг моҳияти ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришга оид техник хусусиятга эга бўлган талабларга риоя этилишини таъминлашдан иборатдир.

Юридик техникада асосий эътибор муайян ғоянинг тегишли тарзда расмийлаштиришга қаралса, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда тегишли ижтимоий муносабатнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлик самарадорлигига эътибор қаратилади.

Қолаверса, юридик техника ҳуқуқий мониторинг доирасида эътибор қаратилиши мумкин бўлган ўзига хос кичик бир детал ҳисобланишини ҳам таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда юридик техника ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаш жоиз. Бу орқали юридик техниканинг ҳуқуқий тартибга солишдаги муҳим ролини камайтирмоқчи эмасмиз.

Юридик технологияларнинг бошқа турларидан фарқли равишда юридик прогнозлаш ҳуқуқий мониторинг билан ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлиб кўринади. Жумладан, юридик прогнозлашда ҳам ҳуқуқий мониторингда қўлланиладиган кузатув, баҳолаш ва бошқа бир қатор усуллардан фойдаланилиши мумкин.

Бунда юридик прогнозлаш билан ҳуқуқий мониторингни бир-биридан фарқловчи асосий жиҳат сифатида уларнинг мақсадига эътибор қаратиш лозим.

Юридик прогнозлаш давлат бошқарув жараёнларини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган бўлиб, қонунчилик тизими, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқий онг сингари ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини қамраб олиши лозим. Юридик прогнозлашда ҳуқуқий тизим ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқиш орқали қонунчилик фаолиятини прогнозлаш марказий ўринни эгаллайди.

Юридик прогнозлашнинг ҳуқуқий мониторингдан яна бир фарқли жиҳати шундаки, ҳуқуқий мониторингда мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилса, юридик прогнозлашда келгусида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар диққат марказида бўлади.

Юридик экспертиза ҳам моҳият жиҳатдан ҳуқуқий мониторингдан фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий экспертизадан кўзланган асосий мақсад норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Конституция ва қонунларга, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир³.

¹ Р.Сайидов. Ҳуқуқий мониторинг: барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим бўлган институт. “Ўзбекистон ва БМТ: ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт” онлайн илмий-амалий конференция материаллари. <https://ipri.uz/014391/>

² <https://ru.wikipedia.org/wiki>

³ Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5378966>



Албатта ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда ҳам ҳуқуқий экспертизада ўрганилиши лозим бўлган масалалар кўриб чиқилиши мумкин. Лекин муайян қонун ҳужжати юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда мазкур ҳужжатни қабул қилгунга қадар бўлган жараёнда у ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва мониторинг доирасида такроран ҳуқуқий экспертиза ўтказишга зарурат қолмайди.

Қолаверса, мониторинг билан ҳуқуқий экспертизадаги яна бир фарқли жиҳат шундаки, ҳуқуқий экспертизада асосан қонун ҳужжатининг формал талабларга жавоб беришига эътибор қаратилиб, унда белгиланган қоидаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш даражаси ёки ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан жамиятда келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий ва бошқа оқибатларга эътибор қаратилмайди.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда эса, муайян қонун ҳужжати нормаларини такомиллаштириш жараёнида янги тартибнинг белгиланиши келгусида жамиятда юз бериши мумкин бўлган турли оқибатлар ҳам инобатга олинади.

Масалан, ҳуқуқий мониторинг натижасида таклиф этилаётган қонунчилик ҳужжатининг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистоннинг келгусида халқаро рейтинглардаги позицияси яхшиланишига қанчалик таъсир кўрсатиши прогноз қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси моҳият жиҳатдан ҳуқуқий мониторингдан фарқ қилади. Бунда коррупцияга қарши экспертиза ўтказишдан кўзланган асосий мақсад коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилишдан иборатдир.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг доирасида ҳам ҳуқуқий экспертизада бўлгани сингари тегишли қонун ҳужжатидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларга баҳо берилиши, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши ҳам мумкин.

Бошқача айтганда, ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасига нисбатан кенглиги билан юридик технологиянинг ушбу туридан фарқ қилади.

Қолаверса, ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини тўлдиришини ҳам таъкидлаш жоиз.

Жумладан, муайян қонун ҳужжати қабул қилинишидан олдин коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнида аниқланмаган коррупциявий омил кейинчалик ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида ҳам аниқланиши мумкин.

Юридик технологиялар тизимида тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳам ҳуқуқий мониторингга қўлланиладиган усуллари, олдида қўйган мақсади ва бошқа жиҳатлари билан ҳуқуқий мониторингга шаклаш ўхшаш бўлиб кўриниши мумкин.

Чунончи, бундай ўхшашлик тартибга солиш таъсирини баҳолашда ҳам ҳуқуқий мониторинг сингари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ва унинг тартибга солиш мақсадларига эришилишини, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солувчи муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилишида намоён бўлади¹.

Бироқ, ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўртасида бир қатор фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади:

– иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалалар доирасида тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади. Чунончи, тартибга солиш таъсирини баҳолашда асосий эътибор манфаатдор томонлар асосиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва чекловлар юзага келганлиги (келмаганлиги)ни ўрганилади. Ҳуқуқий мониторинг учун эса, муайян масаланинг иқтисодий аҳамиятга эга эмаслиги тўсиқ бўла олмайди;

– ҳар қандай масала юзасидан ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилмайди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларига янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки мавжуд чеклов, рухсат бериш тартиб-таомиллари

¹ Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5378966>



ва лицензияланадиган фаолият турларини бозор иштирокчиларининг янада кенгроқ доирасига татбиқ қилишни, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни ва бошқа қонунчиликда белгиланган масалалар юзасидан тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади¹. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳуқуқий мониторинг уни ўтказувчи субъектнинг ташаббусига кўра исталган ижтимоий муносабат доирасида ўтказилиши мумкин;

– одатда тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш муайян масала юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат амалда бўлганда амалга оширилади. Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжудлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг куйидаги бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгаллигини ҳам таъкидлаш жоиз:

ҳуқуқий мониторинг юридик прогнозлаш ва ҳуқуқ ижодкорлигини режалаштириш учун тегишли шарт-шароит яратиш, ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратишга, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлловчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек яхлит ҳолда давлат ва жамият ўртасида тесқари алоқани таъминлашга қаратилган бўлади;

ҳуқуқий мониторингнинг асосий моҳияти ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарадорлиги, яъни муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришишлиши, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамланиши, ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришиш, коррупциявий, иқтисодий, молиявий ва бошқа турли хатарларни минималлаштириш ҳамда олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини, бутун жамият ҳуқуқий онгини юксалтиришдан иборатдир;

ҳуқуқий мониторингда асосий эътибор бутун ҳуқуқий жараёндаги барча, яъни муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати пайдо бўлган вақтдан бошлаб, ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни ҳамда уни такомиллаштириш эҳтиёжини аниқлашгача бўлган даврда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солувчиси сифатида ҳуқуқ амал қилишининг самарадорлигини таъминлашга қаратилади;

муайян соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказишда баҳолашнинг коррупцияга қарши экспертиза, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, кузатиш, ижтимоий тадқиқотлар каби усуллари ҳам фойдаланилади.

Шу ўринда турли адабиётларда ҳуқуқий мониторинг билан бир вақтда ҳуқуқни қўллаш мониторинги ва қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчалари қўлланилишини, улар бир-биридан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туриши ҳақида хилма-хил ёндошувлар учрашини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси қўлланилмаган бўлсада, 2018 йил 3 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида айнан шундай ном билан алоҳида институт фаолият юритган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 апрелдаги ПФ-5395-сон “Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти тугатилган².

Бунда Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти тугатилгунга қадар бугунги кунда ўз кучини йўқотган бир қатор қонунчилик ҳужжатларида “амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги” атамаси қўлланилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони ва бошқа ҳужжатларда бевосита амалдаги қонун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом. <https://lex.uz/docs/5331912#5333200>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2018 йилдаги ПФ-5395-сон “Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3608660>



хужжатлари мониторинги тушунчаси қўлланилган¹.

Бу эса ўз навбатида амалдаги қонун хужжатлари мониторинги тушунчаси бевосита ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ фаолият эканлиги, лекин ҳуқуқий мониторинг атамаси билан бир хил тушунча эмаслигини англатади.

Адабиётларда қонун хужжатлари мониторинги тушунчасига тегишли фаолият соҳаларида давлат назорати ва маҳаллий назорат самарадорлигини кузатиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизими сифатида таъриф берилди².

Гувоҳ бўлганимиздек, қонун хужжатлари мониторинги ва ҳуқуқий мониторинг тушунчалари мазмунан бир-бирини тўлдирсада, қамров жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бунда амалдаги қонун хужжатлари мониторинги бевосита амалда бўлган норматив-ҳуқуқий хужжатлар базаси асосида амалга оширилса, ҳуқуқий мониторингни ўтказишда қонунчилик хужжати ҳали қабул қилинмаган бўлиши ҳам мумкинлиги ҳам назарда тутилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш мониторинги ҳам ўзининг табиатига кўра ҳуқуқий мониторингдан ажралиб туради. Ушбу масала юзасидан алоҳида тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос Е.Никифорова ҳуқуқни қўллаш мониторингининг асосий вазифалари қуйидагилар эканлигига эътибор қаратди:

норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг қўллаш амалиёти тўғрисида маълумотларни тўплаш;
тўпланган маълумотлардан келиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш³.

Айрим тадқиқотларда ҳуқуқни қўллаш мониторинги тушунчаси ҳуқуқий мониторингга ўхшаш бўлган бошқа тушунчалар билан ҳам боғланилади. Жумладан, ҳуқуқшунос И.В.Жужгов ҳуқуқни қўллаш мониторингини ҳуқуқий макон мониторингининг элементларидан бири ҳисобланишини таъкидлаб ўтади. Бироқ, ҳуқуқий макон мониторинги деганда нимани тушунилиши ҳақидаги масалага тўхталиб ўтмайди⁴.

Ҳуқуқшунос А.И.Гунин ҳуқуқни қўллаш мониторингини мониторингни бошқа турларидан ажратиб турадиган хусусиятларидан бири сифатида уни амалга оширишда маълумот олинадиган манбаларнинг хилма-хил эканлигида деган хулосага келади. Бунда ҳуқуқни қўллаш мониторингини ўтказишда қуйидаги муҳим манбалардан маълумот олинишини таъкидлайди:

умумий юрисдикция ва арбитраж судларининг амалиёт материаллари;
ижроия ҳокимияти таркибига кирувчи давлат бошқарув органлари фаолиятининг амалиёти материаллари;

жамоат, илмий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа ташкилотлардан келиб тушган маълумотлар;

оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари;

фуқаролардан олинган маълумотлар⁵.

Фикримизча, олинадиган маълумотлар доирасидан келиб чиқиб ҳуқуқни қўллаш мониторингини қонун хужжатлари мониторинги ёки ҳуқуқий мониторингдан фарқлаш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, ҳуқуқий мониторинг ҳам маълумот олиш манбасининг чекланганлиги билан боғлиқ қараш бирорта манбаларда ёки тадқиқотларда учрамайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/1792696>

² Мониторинг правоприменения в судебной практике. <https://pravoprim.spbu.ru/yurisprudentsiya/osnovy-pravovoj-sistemy/item/416-monitoring-pravoprimeneniya-v-sudebnoj-praktike.html>

³ Никифорова Е.Н. Правовой мониторинг как комплексный механизм оперативной оценки действующего законодательства. Евразийская интеграция: Экономика, Право, Политика. 2013, № 13. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-kak-kompleksnyy-mehanizm-operativnoy-otsenki-deystvuyushego-zakonodatelstva>

⁴ Прокопьева Н.В., Иванов И.В. Понятие и принципы мониторинга правоприменения: теоретико-правовой аспект. Актуальные проблемы экономики и права. 2015. № 2. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-printsipy-monitoringa-pravoprimeneniya-teoretiko-pravovoy-aspekt>

⁵ Гунин А.И. Мониторинг правоприменения. URL: <http://www.novodar.ru/index.php/crimes/214-lawlaw/4548-mpe-09-2011> (дата обращения: 22.04.15).



Бизнингча ҳам, ҳуқуқни қўллаш мониторингида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги сингари асосий эътибор амалиёт ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзаро уйғунлигига қаратилади.

Демак, гувоҳ бўлганимиздек, ҳуқуқни қўллаш мониторинги ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги билан мазмунан ўхшаш бўлсада, вазифалари жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш мониторинги ва амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги бевосита ҳуқуқий мониторингни тўлдириб турувчи таркибий қисмлар сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур нуқтаи-назардан келиб чиқиб, айрим олимлар томонидан эътироф этилган ҳуқуқий мониторинг тушунчаси ҳар қандай ҳуқуқий восита ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги ҳуқуқ нормаларининг сифатли амал қилишига таъсири кўрсатиши туфайли ҳуқуқий восита сифатида бевосита қонун ҳужжатлари мониторинги билан ҳуқуқни қўллаш мониторингининг асосий жиҳатларини ўз ичига қамраб олади деган қарашларини қўллаб-қувватлаймиз¹.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Р.Сайидов. Ҳуқуқий мониторинг: барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим бўлган институт. “Ўзбекистон ва БМТ: ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт” онлайн илмий-амалий конференция материаллари. <https://lpri.uz/014391/>
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5378966>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом. <https://lex.uz/docs/5331912#5333200>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2018 йилдаги ПФ-5395-сон “Амалга ошириладиган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3608660>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/1792696>
7. Мониторинг правоприменения в судебной практике. <https://pravoprim.spbu.ru/yurisprudentsiya/osnovy-pravovoj-sistemy/item/416-monitoring-pravoprimeniya-v-sudebnoj-praktike.html>
8. Никифорова Е.Н. Правовой мониторинг как комплексный механизм оперативной оценки действующего законодательства. Евразийская интеграция: Экономика, Право, Политика. 2013, № 13. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-kak-kompleksnyy-mehanizm-operativnoy-otsenki-deystvuyushego-zakonodatelstva>
9. Прокопьева Н.В., Иванов И.В. Понятие и принципы мониторинга правоприменения: теоретико-правовой аспект. Актуальные проблемы экономики и права. 2015. № 2. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-printsipy-monitoringa-pravoprimeniya-teoretiko-pravovoy-aspekt>
10. Гунин А.И. Мониторинг правоприменения. URL: <http://www.novodar.ru/index.php/crimes/214-lawlaw/4548-mre-09-2011> (дата обращения: 22.04.15).
11. Русская А., Бутенко Т. Мониторинг законодательства и правоприменения как правовое средство в системе права. Вестник АМГУ Выпуск 98, 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimeniya-kak-pravovoe-sredstvo-v-sisteme-prava/viewer>

¹ Русская А., Бутенко Т. Мониторинг законодательства и правоприменения как правовое средство в системе права. Вестник АМГУ Выпуск 98, 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimeniya-kak-pravovoe-sredstvo-v-sisteme-prava/viewer>



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШАЛАР ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

ВОЕННЫЙ КОСТЮМ ВСАДНИКОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ

Аллабергенова Айрин Батыровна

Республика Узбекистан, г.Ташкент
Ташкентский Международный Университет КИМЁ,
кафедра «Дизайн одежды», доцент
Aygin_5@mail.ru +998909812879

АННОТАЦИЯ: В статье дан краткий обзор военного костюма всадников Центральной Азии XI – первой половины XIII веков, его формирование под влиянием различных этносов. Исследуется связь костюма с всаднической культурой, с адаптацией воина к верховой езде и боевой тактике, рассматривается взаимодействие различных культурных традиций, приведших к созданию уникального и разнообразного военного всаднического костюма, его типизация по этносу, по социальному статусу и способам ведения боя. Проводится анализ развития всаднического военного костюма как значимого элемента военной истории и культурного наследия Центральной Азии.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: военный костюм, всадник, доспехи, кочевая культура, культурный синтез, огузы, карлуки, лучники, кипчаки.

Костюм всадника в Центральной Азии XI — первой половины XIII века претерпевает значительные изменения, отражая развитие военного дела, этнические влияния и социальную дифференциацию. Типизацию и характерные черты военных костюмов можно классифицировать по способам ведения боя, например: костюм воина-лучника был легким и гибким, так как основным оружием кочевников был лук, костюм лучника должен был быть максимально легким и не стеснять движений. Для защиты от стрел противника использовались ламеллярные доспехи из кожи или металла, а также шлемы с наносником и бармицей. На ногах воины-лучники носили легкие сапоги или обувь на мягкой подошве, чтобы было удобно натягивать тетиву лука.

Костюм воина-копейщика отличал более тяжелый доспех. Для защиты от ударов копья использовались более тяжелые доспехи, чем у лучников. Это могли быть ламеллярные доспехи с большими пластинами, чешуйчатые доспехи или кольчуги. Шлем с наносником защищал лицо всадника от ударов копья, а на ногах воины-копейщики носили прочные сапоги с высокими голенищами, которые защищали ноги от травм при падении с лошади.

Костюм воина-мечника отличался доспехами для защиты от рубящих ударов, обычно использовались кольчуги или пластинчатые доспехи. На голове воина – мечника был шлем с хорошим обзором, чтобы воин мог видеть противника и своевременно реагировать на его действия. Мечники часто спешивались для боя, поэтому их обувь тоже должна была быть удобной как для верховой езды, так и для пешего боя.

Типизацию военных костюмов также можно произвести по этносу, например огузские воины часто изображаются в легких кафтанах, с тюрбанами на голове и с луками в руках. Карлукские воины могут быть изображены в доспехах из костяных пластин. Кипчакские воины часто изображаются в теплой одежде из кожи и меха, с шапками с меховыми отворотами.

Военные костюмы различаются по социальной дифференциации. В кочевых обществах Центральной Азии XI - первой половины XIII веков воин-всадник занимал высокое социальное положение. Лошадь и умение владеть оружием были основой жизни кочевника, обеспечивая успех в бою и процветание. Воины-всадники составляли основу военной мощи кочевых государств. Из их среды выходили военачальники, правители и знатные люди, так как в кочевом обществе существовала возможность социальной мобильности. Простой воин, проявивший храбрость в бою, мог добиться высокого положения. К примеру, в Огузской



империи Сельджуков военная аристократия имела значительное влияние на политическую жизнь. В Кипчакском государстве Дешт-и-Кипчак военная элита также играла важную роль в управлении страной.

Социальный статус всадника находил свое отражение в его костюме, который служил своеобразным маркером положения в обществе. Чем выше был социальный статус всадника, тем более качественные и дорогие материалы использовались для изготовления его костюма. Знатные воины носили одежду из шелка, парчи, бархата, в то время как рядовые воины — более простые ткани. Костюм знатных воинов отличался богатой декоративной отделкой: вышивкой, аппликацией, драгоценными камнями, золотом и серебром. На изображениях знатные воины предстают в богато украшенных доспехах и оружии, с символами их рода или племени.

Доспехи знатных воинов изготавливались из высококачественной стали и украшались золотыми и серебряными накладками, драгоценными камнями и гравировкой. Оружие также служило показателем статуса. Рукояти сабель и мечей инкрустировались драгоценными камнями, а ножны украшались золотом и серебром. Седла, стремяна, уздечки знатных воинов отличались богатой отделкой. Они могли быть украшены золотом, серебром, драгоценными камнями и вышивкой.

На костюме воина могли присутствовать знаки отличия, указывающие на его звание, подразделение или племенную принадлежность. Например, воины-огузы носили специальные пояса с бляхами, на которых были изображены символы их клана. На одежде и доспехах знатных воинов могли присутствовать геральдические мотивы: изображения животных, птиц, мифических существ. Эти мотивы могли быть связаны с родовыми легендами или религиозными представлениями. Цвета в костюме также могли иметь символическое значение. Например, красный цвет ассоциировался с властью и мужеством, белый — с чистотой и благородством, синий — с небом и вечностью.

Изучение военного костюма Центральной Азии XI — первой половины XIII века невозможно без анализа изобразительных источников, которые дополняют и уточняют данные археологических находок. Изобразительные источники позволяют изучить детали костюма, которые редко сохраняются в археологических материалах, такие как текстиль, декор или конструктивные элементы. Они отображают костюм в его функциональном контексте, в "действии", что помогает понять особенности использования отдельных деталей. Также миниатюры, барельефы, скульптуры, монеты и прочие средства запечатления позволяют увидеть изменения в костюме, связанные с развитием военной технологии, изменений социальных и этнических особенностей, прослеживают влияние межэтнических контактов, заимствования элементов экипировки. Они выявляют характерные элементы, подчеркивающие социальный статус, например, украшения или дорогостоящие материалы.

Монеты. На монетах домонгольского периода часто встречаются изображения правителей и воинов на конях. Например, на монетах караханидского периода (XI–XII века) можно видеть всадников в ламеллярных доспехах, со шлемами конической формы и с саблями на поясе. На монетах Хорезмшахов (XII–XIII века) встречаются изображения всадников в более сложных доспехах, с кольчугами и пластинчатыми элементами.

Рельефы. Рельефные изображения всадников можно встретить на архитектурных памятниках и надгробных камнях. На рельефах, датируемых XI–XII веками, часто изображаются сцены охоты и битв, где можно видеть воинов в различных костюмах и с разным вооружением. Например, на рельефах мавзолея Араб-ата в Тимуровском городище (Узбекистан) изображены всадники в халатах и тюрбанах, вооруженные луками и стрелами.

Скульптура. Каменные изваяния воинов-всадников — «балбалы» — характерны для кипчакской культуры. Эти изваяния устанавливались на курганах и служили своеобразными памятниками покойным воинам. На них можно видеть детали костюма, вооружения и конского снаряжения.

Военный костюм Центральной Азии домонгольского периода тесно связан с всаднической культурой. Его легкость, практичность и защитные свойства свидетельствуют о том, насколько он был адаптирован к верховой езде и ведению боя верху. Каждый элемент костюма, от головного убора до обуви, был продуман таким образом, чтобы обеспечивать максимальную свободу движений и эффективность в бою. Развитие конского снаряжения — седел, стремян, уздечек не только повышало эффективность конницы, но и сильно повлияло на форму и конструкцию военного костюма в будущем.



Список литературы

1. Nicolle D. Arms and Armour of the Crusading Era, 1050-1350. Vol. 2: Islam, Eastern Europe and Asia. — London, 1999. — 576 с.
2. Świątosławski W. Uzbrojenie koczowników Wielkiego Stepu w czasach ekspansji Mongołów (XII-XIV w.) / Витольд Свентославский. — Łódź: Polska Akademia Nauk, 1996. — С. 110 -114.
3. Робинсон Р. Доспехи народов Востока. История оборонительного вооружения / пер. С. Федоров. — М.: Центрполиграф, 2022. — 280 с.
4. Бобров Л. А., Худяков Ю. С. Вооружение и тактика кочевников Центральной Азии и Южной Сибири в эпоху позднего Средневековья и раннего Нового времени (XV — первая половина XVIII в.) / Под ред. В. П. Никонорова. — СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2008. — 776 с., ил. — (Historia Militaris).



ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

THE LANGUAGE FEATURES OF OFFICIAL DOCUMENTS

Zoyirova Dilfuza Hayriddinovna,
SamDChTI, Narpay Xorijiy tillar fakulteti
Umumiy fanlar kafedrası o`qituvchisi
Телефон: +998913379898
zoyirovadilfuzal@mail.com

Abstract:

The language and style of official documents play a fundamental role in ensuring clear, precise, and professional communication across various sectors, including legal, governmental, and corporate contexts. This paper explores the key linguistic and stylistic features that define official documents and their impact on communication effectiveness. It examines how language conventions, including formality, tone, structure, and formatting, influence the readability and legal validity of these documents. Through qualitative analysis, the study reviews official documents from different sectors and discusses the challenges and best practices in drafting them. Interviews with professionals from law, government, and business sectors provide additional insight into the complexities of official document writing. The results highlight the use of passive voice, legal terminology, and standardized formats, and the study emphasizes the importance of cultural differences in document style. The paper concludes with recommendations for improving the writing and management of official documents, including the adoption of consistent stylistic guidelines and training for professionals involved in document drafting. By following these principles, professionals can enhance the clarity, legality, and effectiveness of official communications.

Keywords: Official documents, language conventions, document style, legal communication, professionalism, formal writing, document management.

Introduction

Юқорида тавсифланган ҳар қандай модел учун муҳим муваффақият омили самарали ўлчаш қобилиятидир. Шундай қилиб, таниқли брендни қўллаб-қувватламасдан ва ташкил этилган

¹ McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/clientservice/financial_services

² Danny Tang. Branch Transformation in the Digital Era, Copyright IBM Corporation 2018



банк ташкилоти ёрдамсиз финтех стартаплари молиявий бозорда фойдаланувчиларни жалб қилиш учун курашиш жуда қийин бўлади, бу эрда мижозлар ишончини мустаҳкамлаш жуда қийин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/clientservice/financial_services
2. Danny Tang. Branch Transformation in the Digital Era, Copyright IBM Corporation 2018



ЎЗБЕКИСТОНДА ИШ О‘РИНЛАРИНИ YARATISHDA AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALAR HISSASI

Ganjayeva Mahliyo Qahramon qizi

Urganch davlat universiteti

241-Raqamli iqtisodiyot guruhi magistranti

Telefon: +998(91)5720794

ganjayeva1994@mail.ru

Annotatsiya. Maqolada Respublikamizda yangi ish o‘rinlarini yaratishga axborot-kommunikatsion texnologiyalar rivojlanishining ta’siri ko‘rsatib o‘tilgan. Raqamli iqtisodiyot sharoitida mehnat bozori tahlili amalga oshirilgan, rivojlangan davlatlarda AKT sohasi bilan bog‘liq ish o‘rinlari turlari o‘rganib chiqilgan.

Kalit so‘zlar. Startup loyihalar, blokcheyn texnologiyalari, raqamli marketing, raqamli platformalar, CRM, mehnat bozori.

Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot butun dunyo bo‘ylab iqtisodiy va ijtimoiy sohalarni tubdan o‘zgartirmoqda. AKT rivoji yangi ish o‘rinlarini yaratish, iqtisodiy samaradorlikni oshirish va gender farqlarini kamaytirish uchun ulkan imkoniyatlarni taqdim etmoqda. Raqamli iqtisodiyot mehnat bozorida ayrim ish turlariga ehtiyojni kamaytiradi va yangi turdagi bilim, ko‘nikma va malaka talab qiladigan ish o‘rinlarini olib kiradi. Shularni hisobga olgan holda yurtimiz mehnat bozorini tahlil qilish, xorijiy davlatlarning raqamlashish sharoitida aholining mehnat bozoriga moslashuvchanligi ta’minlashda AKT dan foydalanish tajribalarini o‘rganish va iqtisodiyotimizga tadbiiq qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

AKTning mehnat bozoriga ta’sirini baholaydigan bo‘lsak, ikkita bir-biriga qarama-qarshi fikr kelib chiqadi. Birinchisi – korxonalar va tashkilotlar faoliyatiga texnologik innovatsiyalar kirib kelishi oqibatida kelib chiqadigan ishsizlik bo‘lsa, ikkinchisi – texnologik innovatsiyalar aholi o‘rtasida yangi mahsulot va xizmatlarga ehtiyoj tug‘dirishi tufayli vujudga keladigan yangi ish turlaridir, ular mehnat bozorida uzoq muddatda yana eski muvozanatni tiklaydi deb hisoblash mumkin [Dieu Ne Dort Talla Fokam, Benjamin Fomba Kamga, Tii N. Nchoufong 2023].

Bugungi kunda yurtimizda AKT sohasida bandlar ulushini oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, Prezidentimizning 2024-yil 14-oktyabrda qabul qilingan “Startup loyihalar va venchur moliyalashtirish ekotizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-357-son qaroriga ko‘ra 2024-2026-yillarda startup ekotizimini rivojlantirish bo‘yicha yo‘l xaritasi tasdiqlangan va raqamli texnologiyalar sohasidagi startup loyihalarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan Raqamli startaplarni dasturini amalga oshirish rejalashtirilgan bo‘lsa, 2024-yil 14-oktyabrda qabul qilingan “Raqamlashtirish sohasida eksport faoliyati bilan shug‘ullanuvchi korxonalarini qo‘llab-quvvatlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-157-sonli farmoni bilan IT-park rezidentlari uchun soliq imtiyozlarini uzaytirish belgilangan.

Respublikamizda raqamlashtirish jarayonlarini rivojlantirish maqsadida olib borilayotgan chora-tadbirlar tufayli AKT sohasida bandlar ulushi yildan-yilga oshib bormoqda. Quyidagi diagrammada respublikamiz iqtisodiy faol aholisi tarkibida AKT sohasida bandlar ulushi bo‘yicha hududlar kesimida ma’lumot keltirilgan.

2023-yilda Toshkent shahrida AKT sohasida band xodimlar soni 50 ming 596 kishini tashkil etgan bo‘lsa, Xorazm viloyatida bu ko‘rsatkich 1 469 nafarni tashkil etgan. Respublikamizda eng past ko‘rsatkich Jizzax viloyatida bo‘lib, 2023-yilda 672 kishiga yetgan. AKT sohasida ish haqi darajasi boshqa sohalarga nisbatan yuqori ekanligini, inson aqliy mehnatining mahsuli bo‘lgan tovar va xizmatlar qiymati cheklangan resurslardan ishlab chiqariladigan va yaratiladigan tovar va xizmatlar qiymatidan ancha yuqoriligini, daromadli sohaligini hisobga olsak, sohani rivojlantirish mamlakat eksport salohiyatini, aholi turmush darajasini ham yaxshilaydi.

Butun dunyo yalpi ichki mahsulotida AKT bozorining ulushi 2024-yilda 24,2 foizni tashkil etgan, kuchli uchtalikni esa AQSh (38 foiz), Xitoy (11,4 foiz) va Yevropa Ittifoqi (10,8 foiz) egallab turibdi [www.statista.com]. Respublikamizda esa bu ko‘rsatkich 2023-yilda 2,24 foizni tashkil etgan [www.stat.uz].


Mamlakatimizda 2024-yilda kompyuter dasturlashtirish sohasida faoliyat yuritayotgan korxonalar soni 1602 tani, kompyuter texnologiyalari sohasida maslahat xizmatlari ko‘rsatuvchi korxonalar



583 tani, ma'lumotlarni joylashtirish va ishlov berish xizmatlarini ko'rsatuvchi korxonalar 604 tani tashkil etgan [www.stat.uz]. Dasturlash sohasi ayniqsa ko'proq daromad keltirishini va eksportbop mahsulotlar yaratish mumkinligi bu sohadagi korxonalarni ko'paytirish kerakligidan dalolat beradi.

1-diagramma.

Iqtisodiy faol aholi tarkibida AKT sohasida band xodimlar ulushi, foiz [www.stat.uz sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi]



Bugungi kunda AKT sohasida biznesni boshlash uchun yurtimizda startap loyihalar qo'llab-quvvatlanmoqda, sun'iy intellektga asoslangan sanoat korxonalari, blokcheyn texnologiyalarini qo'llash, kiberxavfsizlik xizmatlari, narsalar interneti qurilmalari (smart shahar, smart qishloq xo'jaligi kabi), onlayn ta'lim platformalari, moliyaviy innovatsion texnologiyalar (mobile banking, to'lov shakllari, investitsiya platformalari yoki blokcheynga asoslangan moliyaviy xizmatlar), CRM (iste'molchilar bilan aloqani boshqarish), elektron savdo platformalari, raqamli marketing vositalari, sug'urta texnologiyalari, mijozlar va sog'liqni saqlashga mas'ul shaxslar o'rtasida tibbiy ma'lumotlarni almashish tizimlari kabi loyihalar xorijiy mamlakatlar amaliyotida qo'llanilib kelmoqda.

O'zbekistonda axborot-kommunikatsion texnologiyalar sohasida olib borilayotgan ishlar, ko'rilayotgan chora-tadbirlar, jalb qilinayotgan investitsiyalar va innovatsion yondashuvlar mamlakatda yangi ish o'rinlarini yaratishga, iqtisodiy o'sishni ta'minlashga va yoshlarning zamonaviy texnologiyalar bo'yicha malaka oshirishlariga imkoniyat yaratadi. Rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotida hali to'ldirilmagan bo'shliqlar ko'p. Xorij tajribasidan o'rganib ham yuqori daromadli yangi faoliyat turlari orqali biznes boshlash mumkin. AKTning rivojlanishi nafaqat ish o'rinlari yaratishda, balki iqtisodiyotning turli sohalarini diversifikatsiya qilish, samaradorlikni oshirish va raqamli iqtisodiyotga o'tishni tezlashtirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Dieu Ne Dort Talla Fokam, Benjamin Fomba Kamga, Tii N. Nchofoung (2023) Information and communication technologies and employment in developing countries: Effects and transmission channels. Telecommunications Policy. Volume 47, Issue 8, September 2023, 102597

2. <https://www.statista.com/statistics/263801/global-market-share-held-by-selected-countries-in-the-ict-market/>

3. www.stat.uz sayti ma'lumotlari



MAHALLIY BYUDJET DAROMADLAR BAZASINI SHAKLLANTIRISH VA TARKIBIY O'ZGARISHINI RYABSTEV INDEKSI YORDAMIDA ANIQLASH

Turoпова Nigora Xolmurod qizi

Termiz Davlat Universiteti erkin tadqiqodchisi

“Iqtisodiyot” kafedrasini o'qituvchisi

Telefon raqami: 998910787770

Email:nigoraturpova92@gmail.com

Annotatsiya: Mamlakatning barqaror iqtisodiy rivojlanishi, uning raqobatbardoshlik darajasi va dunyo hamjamiyatida mustahkam o'rinni egallashi bevosita amaliyotga joriy qilingan byudjet tizimi bilan uzviy bog'liq. Byudjet tizimini takomillashtirish uchun dastlab iqtisodiy islohotlarni mahalliy byudjetlarning daromadlar bazasini kengaytirishdan boshlash kerak.

Kalit so'zlar: Soliq-byudjet tizimi, biriktirilgan soliqlar, statistika, natija, tartibga soluvchi, davlat, mahalliy, moliya

Dunyoda moliya tizimining muhim tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan mahalliy moliya (budjetlar)¹ni shakllantirish, ularning mablag'laridan samarali foydalanishni ta'minlash masalalariga doimiy ravishda juda katta e'tibor berib kelinmoqda. Zero, hayotga tadbiq etilayotgan davlat siyosatining muvaffaqiyati va aksincha, uning muvaffaqiyatsizligi hamda shularga mos ravishda hukumatning taqdiri, ko'p jihatdan, ana shunga bevosita bog'liq.

Mahalliy byudjetlarning daromadlar tarkibining eng katta ulushi soliq'larga to'g'ri keladi. Samarali soliq-byudjet tizimidan foydalanib hududlarning moliyaviy salohiyatini ham bosqichma-bosqich oshirishga erishish mumkin. Prezidentimiz aytib o'tganidek: “Moliya sohasida soha va hududlarni mutanosib rivojlantirish hisobidan mahalliy byudjetning daromad bazasini kengaytirish zarur. Eng muhimi, tuman va shaharlarda mahalliy byudjetlarning kengaytirilishi aholining turmush darajasi va turmush sharoitini, umuman, barqarorlik va osoyishtalikni yuksaltirishga xizmat qilishi kerak”⁴⁹.

Iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarida tarkibiy o'zgarishlarning samaradorligini baholash muhim ahamiyat kasb etadi. Tarkibiy siljishlar barqaror iqtisodiy o'sishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Barqaror rivojlanish indeksi va tarkibiy o'zgarishlar indeksleri orqali iqtisodiy jarayonlarga ta'sir ko'rsatuvchi omillarda sodir bo'layotgan tarkibiy siljishlarni aniqlashimiz mumkin. Tarkibiy o'zgarishlarni baholash uchun strukturaviy farqlarning chiziqli koeffitsiyenti - *ire*, strukturaviy siljishlarning kvadratik koeffitsiyenti va Ryabtsev indeksi kabi usullardan foydalaniladi. 1-jadvalda tarkibiy o'zgarishlarning baholash usullarini ko'rib chiqamiz.

Tarkibiy o'zgarishlarni baholash usullaridan Ryabtsev indeksini tanlab olgan holda, mahalliy byudjet daromadlariga bevosita ta'sir ko'rsatuvchi indikatorlarning tarkibiy o'zgarishlar samaradorligini aniqlaymiz. Buning uchun Surxondaryo viloyatining 2010-yildan 2022-yilgacha bo'lgan moliya, savdo va ijara-lizing bo'yicha xizmatlarning ko'rsatkichlarini olamiz va 2012-yil bilan 2022-yil o'rtasida sodir bo'lgan tarkibiy o'zgarishlarni hisoblaymiz. (1-jadval)

1 “Mahalliy budjet” tushunchasi xalqaro amaliyotda “munitsipalitetlar budjeti”, “kantonlar budjeti”, “provinsiyalar budjeti”, “prefekturalar budjeti”, “shtatlar budjeti”, “yerlar budjeti” va boshqa ko'rinishlarga ega.



Tarkibiy o'zgarishlarning baholash indeklari

№	Nomi	Formulasi	Mohiyati
1.	strukturaviy farqlarning chiziqli koeffitsiyenti - ire,	$Ip\exists = d = \frac{\sum d_i^1 - d_i^0 }{n}$	Bu formula joriy davr va bazaviy davr o'rtasidagi farqni ko'rsatadi.
2.	strukturaviy siljishlarning kvadratik koeffitsienti	$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (d_i^1 - d_i^0)^2}{n}}$	Ko'rsatkichlarning tarkibi 0 ga qanchalik yaqin bo'lsa tarkibiy o'zgarishlardagi faqrlar shunchalik kam bo'ladi.
3.	Ryabtsev indeksi	$I_{Рябцева} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (d_i^1 - d_i^0)^2}{\sum_{i=1}^n (d_i^1 + d_i^0)^2}}$	Bu indeks o'zining maxsus shkala ko'rsatkichlari orqali yatkibiy farqlarni aniqlab beradi.

Moliya, savdo va ijara-lizing bo'yicha xizmatlarning ko'rsatkichlari¹

Yillar	Xizmatlar – jami	Moliya xizmatlari	Savdo xizmatlari	Ijara va lizing bo'yicha xizmatlar
2010- y.	796,3	75,1	249,3	18,8
2011- y.	1 085,3	96,7	356,4	25,5
2012- y.	1 450,8	126,4	510,7	34,0
2013- y.	1 918,0	174,0	684,5	52,3
2014- y.	2 471,4	212,5	908,2	73,2
2015- y.	3 067,8	247,9	1 197,5	85,1
2016- y.	3 845,3	297,4	1 501,5	98,5
2017- y.	4 485,5	401,8	1 798,7	109,8

1 Surxon.stat.uz



2018- y.	6 079,6	676,2	2 717,3	147,8
2019- y.	6 981,9	1 127,6	2 740,9	182,8
2020- y.	8 013,9	1 556,8	3 090,0	194,7
2021- y.	10 387,4	2 045,3	3 793,7	244,6
2022- y.	12 838,4	2 663,8	4 553,1	271,8

$$P\text{рябцева} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (d_i^1 - d_i^0)^2}{\sum_{i=1}^n (d_i^1 + d_i^0)^2}} \quad (1)$$

Bu yerda, d_i^1 - 2022-yildagi moliya, savdo, ijara va lizing bo'yicha ko'rsatilgan xizmatlar; d_i^0 -2012-yildagi moliya, savdo, ijara va lizing bo'yicha ko'rsatilgan xizmatlar; Berilgan formula yordamida quyidagi natijalarga ega bo'lamiz. (3jadval)

1.3-jadval Ryabtsev indeksi natijasi¹

Formula	Qiymatlari
$\sum_{i=1}^n (d_i^1 - d_i^0)^2$	144,987882
$\sum_{i=1}^n (d_i^1 + d_i^0)^2$	5881,273
$P\text{рябцева} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (d_i^1 - d_i^0)^2}{\sum_{i=1}^n (d_i^1 + d_i^0)^2}}$	0,15701104

Ryabtsev indeksining tarkibiy siljishlarni tahlil qilish uchun ishlab chiqilgan maxsus shkalasi mavjud. (4-jadval) Ryabtsev indeksi $0 \leq IR \leq 1$ oraliqda doimiy o'zgarib turadi va qanchalik 1ga yaqin bo'lsa tarkibiy o'zgarishlar yuqori ekanligini anglatadi aksincha, 1 dan uzoqlashsa o'zgarishlar sezilarli darajada kuzatilmagan bo'ladi.

1.4-jadval

Ryabtsev indeksining baholash shkalasi²

Koeffitsient qiymatlarining intervali	Tuzilmaviy o'zgarishlar me'yoring tavsifi
0,030 gacha	O'xshash tuzilma
0,031-0,070	Juda past darajadagi tafovut
0,071-0,150	Past darajadagi tafovut
0,151-0,300	Ahamoyatli darajadagi tafovut
0,301-0,500	Sezilarli darajadagi tafovut
0,501-0,700	Juda sezilarli darajadagi tafovut
0,701-0,900	Teskari tuzilma
0,901 va undan yuqori	To'la teskari tuzilma

¹ <https://moluch.ru/archive/264/61103/> Молодой ученый (<https://moluch.ru/archive/264/61103/>)

² <https://moluch.ru/archive/264/61103/> Молодой ученый (<https://moluch.ru/archive/264/61103/>)



Olingan natijalarga ko'ra Ryabtsev indeksi 0,15701104 ga teng. 4-jadval ma'lumotlariga qaraydigan bo'lsak, mahalliy byudjet daromadlariga ta'sir etuvchi moliya, savdo, ijara va lizing xizmatlari tarkibida ahamiyatli darjada tarkibiy siljishlar sodir bo'lgan. Xizmatlar sohasidagi tarkibiy o'zgarishlar mahalliy byudjet daromadlar bazasini kengaytirish va shakllantirish uchun ma'lum miqdorda o'z hissasini qo'shadi. 2012-yil xizmatlarning umumiy miqdori 1450,8 mlrd so'mni tashkil qilgan. Moliya, savdo, ijara va lizing xizmatlarida 2012-yil bilan taqqoslanganda ahamiyatli tarkibiy o'zgarishlar amalga oshirilgan. Moliya xizmatlari 2012-yilda jami xizmatlarning taxminan 8.7% ni tashkil qilgan bo'lsa bu foiz ko'rsatkichi 2022-yilda 20.7%ga yetgan va moliya xizmatlarining miqdori bu vaqt oralig'ida 2537,4 mlrd so'mga ko'paygan. Savdo esa 510,7 mlrd so'mdan 4553,1 mlrd so'mga yetgan. Ijara va lizing xizmatlari 2012-yildan 2022-yilgacha 237,8 mlrd so'mga oshgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, mahalliy byudjet daromadlar tarkibi hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta'minlash bilan qatorda ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish sohasini ham tartibga solib turadi. Mahalliy byudjet daromadlar bazasining tarkibiy o'zgarishlari aholining zaruriy ehtiyojlarini optimal darajada qondirishga, ishlab chiqarish jarayonida modernizatsiya va diversifikatsiya jarayonlarini tezlashtirishga, mavjud tadbirkorlik sub'ektlarini intensiv rivojlanishiga hamda bozor infratuzilmasining yaxshilanishiga o'z hissasini qo'shadi. So'ngi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar byudjet tizimini yangi rivojlanish bosqichlariga olib chiqayapti. Mahalliy byudjetlar daromadlar bazasini takomillashtirish maqsadida iqtisodiyotimizda bir qator choratadbirlar amalga oshirilmogda. Shu sababli mahalliy byudjetlarning moliyaviy erkinligi va ularning daromadlar bazasini shakllantiruvchi moliyaviy tushumlarning to'liqligini ta'minlab beradigan moliya va soliq organlarining faoliyatini rivojlantirish uchun salmoqli ishlar olib borilmoqda.

Xulosa va takliflar; Mahalliy byudjet daromadlar bazasini shakllantirish va mustahkanlash hududlarning moliyaviy salohiyatini oshiradi. Aholining turmush darajasi ham bevosita mahalliy byudjetlarga bog'liq bo'ladi. Mahalliy byudjetlarning daromadlar bazasini kengaytirishning bir necha usullari:

- Hududlarda mahalliy byudjetlar daromad bazasini mustahkamlashda moliyaviy omillar qatorida soliqlarni markazlashgan holda bosh korxonalar tomonidan joylarga to'lash tartibini joriy etish va soliqlarning yig'iluvchanligini oshirish hisobiga ham mahalliy byudjetlarga tushumlar miqdorini yuqori darajasini ta'minlash imkoniyatlari mavjuddir.

- Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari sonini oshirish, mavjud korxonalarni modernizatsiya qilish va mahsulotlar diversifikatsiyasini ko'paytirish orqali ham mahalliy byudjet daromadlar bazasini mustahkamlash mumkin bo'ladi.

- Hududlarning tashqi iqtisodiy faoliyatini takomillashtirish, iqtisodiy sub'ektlar uchun xalqaro hamkorlik aloqalarini o'rnatish uchun kerakli shartsharoitlarni yaratib berish zarur.

- Iqtisodiyotda band aholining sonini oshirish orqali ham mahalliy byudjet daromadlar bazasini shakllantirishga erishishimiz mumkin.

- Ichki va tashqi investitsiyalarning iqtisodiy sub'ektlar o'rtasidagi harakati, xorijiy investitsiyalarning jalb qilinish darajasi ham alohida e'tiborga olinishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 488 b.

2. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. –T.: “O‘zbekiston”, 2017. – 104 b.

3. O‘zbekiston Respublikasining 2013-yil 26-dekabrda “Budjet kodeksi”.Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 27.07.2018-y., 03/18/488/1579-son.

4. O‘zbekiston Respublikasining 2018-yil 9-aprelda “Davlat xaridlari to'g'risida”gi Qonuni. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.04.2018 y., 03/18/472/1050-son.

5. O‘zbekiston Respublikasining «Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida»gi Qonuni. 1993 yil 2 sentabr.

6. O‘zbekiston Respublikasining «2024 yil uchun Davlat budjeti to'g'risida»gi Qonuni. 2023 yil 20 dekabr.

7. Vahobov A., Qosimova G. Davlat moliyasini boshqarish. O'quv qo'llanma. - T.: Iqtisod-moliya, 2008. -287b.;

8. Vahobov A., Malikov T. Moliya. Darslik. – T.: Noshir, 2011. – 712 b.



АКЦИЯЛАР ҚИЙМАТИ БАҲОЛАШДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР МОДЕЛИДАН
ФЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Хуррамов Эшмамат Худойбердивич
Термиз давлат университети “Иқтисодиёт”
кафедраси мустақил тадқиқотчиси

Ўтган асрнинг 50-йилларига қадар халқаро фонд бозорларида маълум бўлган муайян рисклар тажрибали акциядорлик жамиятларида менежерлар томонидан сифатли баҳоланиб, рискларни баҳоланишнинг умумлашган классификациясидан фойдаланилган бўлиб, улар консерватив, арзон, ўсаётган, даромадли ва спекулятивли, деб номланган. Замонавий портфель назарияси фонд бозори активларини, яъни қимматли қоғозларни баҳолаш ва чуқур таҳлил этишга асосланган бўлиб, таҳлиллар турли хил самарали моделлардан фойдаланилган ҳолда миқдор жиҳатдан ҳам амалга оширилади. Бунда асосий эътибор қимматли қоғозлар портфели таркибини аниқлашда портфел rischi ва даромадлилик нисбатларининг боғлиқлигига қаратилади.

Халқаро амалиётдан маълумки, молиявий активларни баҳолаш моделида бета (β) коэффициентини тизимли риск ҳисобланади. Молиявий активларни баҳолаш назарияси яратилгандан кейин дунёдаги кўпчилик олимлар уни амалиётга татбиқ қила бошладилар. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Жан Мосин ўзининг илмий изланишида валюта айирбошланишидаги умумий мувозанатни оддий модел асосида уларнинг рисклилик даражасининг бозор хусусияти сифатида ўрганади. Унга кўра, инвесторлар ўз портфелларининг даромад дисперсиясини ва кутилаётган даромадининг максимал даражасини излашни кўрсатиб берди. Бозор rischi учун муқофот назарияси умумий мувозанат валюта бозорида мавжудлигини кўрсатди ва уни бозор чизиғи, деб номлади. Ушбу бозор чизиғида ҳар бир доллардан кутилаётган даромад ва даромаднинг стандарт четланишидаги боғланиши кўрсатиб берилган¹. У шундай ҳулосага келдики, валюта курсидан кутилаётган даромад билан унинг бозор rischi ўртасида тўғридан - тўғри боғланиш мавжуд.

Ж.В.Дуглас² ўз илмий изланишларида акциялардан кутилаётган даромад ва уларнинг бозор rischi ўртасида боғланиш тўғридан - тўғри эканлигини кўрсатди. Лекин, уларнинг эмпирик натижалари бир неча йил ўтгандан кейин инқирозга учради. Бунинг сабаби шундаки, активларни баҳолаш моделида бир неча статистик камчиликлар мавжуд эди.

Шунингдек, хорижлик иқтисодчи олимлардан яна бири М.Е.Блум ўтган асрнинг 70-йилларидаги эмпирик тадқиқотни амалга ошириб, унга кўра 251 та қимматли қоғозни танлаб олиш асосида, уларни узлуксиз равишда 17 йил давомида кузатди. Натижада, кутилаётган портфел даромадини баҳолашда Шарп-Линтер моделининг статистик таҳлилида камчиликлар мавжудлигини исботлади³. Ўз навбатида, хорижлик иқтисодчи олимлар Майкл К. Йенсен ва Майрон Скоулзлар⁴ илмий изланишларида бозор бетасини (β) аниқлашда моделнинг статистик ўлчов хатоликларини ўрганиб, кутилаётган даромад бозор бетаси (β) билан боғлиқ эмаслигини кўрсатиб бердилар. Уларнинг назариясига кўра, портфел даромади бозор бетаси (β) билан узвий боғлиқ. Статистик тадқиқотлардан келиб чиқиб, биринчи регрессион таҳлилда аниқланган бета коэффициентини (β) ҳақиқий бетани (β) ўрнига ишлатилиб, иккинчи регрессияни таҳлил қилса, бу нотўғри регрессия бўлишини таъкидладилар. Ундан кейин, Фишер Блэк, Майкл К. Йенсен ва Майрон Скоулзлар⁵ тадқиқотларида эмпирик таҳлил қилиб, Нью - Йорк фонд биржасидаги 1926 йилдан 1966 йилгача бўлган даврда 1952 та қимматли қоғозларни бир ой давомида бозор қийматининг ўзгаришини кузатдилар ҳамда 10 та портфелни гуруҳлаб таҳлил

¹ Mossin.J (1966). Equilibrium in a Capital Asset Market, Vol.34, No.4, pp.768-783

² Douglas, G.W. (1969), “Risk in the Equity Markets: An Empirical Appraisal of Market Efficiency”, Yale Economic Essays, Vol.9, No.1, pp 3-45

³ Blume, M.E., (1970). Portfolio theory: A step toward its practical application. Journal of Business, Vol. 43, No.1, pp. 152-173.

⁴ Miller, M.H., and Scholes, M., (1972). Rates of return in relation to risk: A re-examination of some recent findings. In Michael C. Jensen (Ed.), Studies in the theory of capital market (pp. 47-78). New York: Praeger

⁵ Black, F., Jensen, M., and Scholes, M. (1972) The Capital Asset Pricing Model: Some empirical tests. Studies in the Theory of Capital Markets. Ed. New York: Praeger Publishers



амалга оширдилар. Таҳлил натижаларига кўра, портфелнинг ўртача ортиқча даромади орқали нотўғри аниқланган бозор бетаси (β) ва статистик хатоликларни ҳал қилиш мумкин. Шу билан биргаликда, бозор бетаси (β) ва ўртача даромад чизиғи ўртасида боғланиш борлигини аниқлаб, унга кўра бозор бетаси (β) коэффиценти қанча юқори бўлса, акциянинг бозордаги даромади ҳам шунча юқори бўлишини, бозор бета (β) коэффиценти қанча паст бўлса, акциянинг бозордаги даромади мос ҳолда паст бўлишини асослаб берди. Фама ва Макбет¹ изланишларида Ф.Блэк назариясини янада такомиллаштириб, Нью - Йорк фонд биржасидаги 1935 йилдан 1968 йилгача бўлган даврда муомаладаги қимматли қоғозлардан фойдаланиб, 20 та портфелга гуруҳлаб, молиявий активларни баҳолаш моделини текшириб кўрдилар. Жумладан, улар ойлик маълумотлар асосида қимматли қоғозларнинг қиймат ўзгаришини динамик қаторлари регрессиясига асослаиб бозор бетаси (β) коэффицентини топганлар. Бета (β) коэффиценти статистик муҳим кўрсаткич бўлиб, у ҳар қандай кичик даврлар учун ўзининг қийматини сақлашини кўрсатади.

Ўтган асрнинг 70 йилларидаги иқтисодчи олимлар бозор бетасини (β) баҳолашнинг кросс-секцион (cross-section) таҳлилини амалга оширганлар. Жумладан, С.Басу² бозор самарадорлиги гипотезасини эмпирик таҳлил орқали исботлаган. Унга кўра, қимматли қоғозларнинг инвестиция самарадорлигига P/E (Price-Earnings Ratio) коэффиценти таъсир қилишини ўзининг таҳлилида кўрсатиб берди. P/E коэффиценти - бу молиявий кўрсаткич бўлиб, акциянинг қийматни акциядан келадиган даромадга нисбати орқали аниқланади. С.Басу Нью-Йорк фонд бозоридаги 1400 та саноат корхоналарининг 1956 йилнинг сентябридан 1971 йил августигача бўлган маълумотларини таҳлил қилиб, P/E коэффиценти юқорироқ бўлган корхоналарга қараганда P/E коэффиценти пастроқ бўлган корхоналар акцияларидан кутилаётган даромад юқорироқ бўлишини, шунингдек, бозорда кичик бозор капитализациясига эга бўлган корхоналарнинг акцияларидан ҳам кутилаётган даромад юқори бўлишини исботлаб берган.

Ундан ташқари, хорижлик иқтисодчи олимлардан Литценбергер ва Рамасвами³ илмий изланишларида Нью-Йорк фонд бозорининг 1936 йилдан 1977 йилгача бўлган маълумотлар таҳлиliga асослаиб, оддий акциянинг дивиденд кўринишидаги даромади билан шу акциядан бозорда кутилаётган даромад ўртасида муҳим ижобий боғлиқлик борлигини исботлаб беришган.

Р.Бенз⁴ эса, Нью-Йорк фонд биржасидаги оддий акцияларнинг умумий бозор қиймат, яъни бозор капитализацияси ва ўша акцияларнинг rischi ўзгаришидан олинган даромад ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатиб берди. У кичик компанияларнинг акциялари rischi ўзгаришидан олинган даромад йирик компаниялар акцияларининг rischi ўзгаришидан олинган даромадига қараганда нисбатан юқори эканлигини асослаб берган. Шунингдек, компаниянинг йирик ёки кичиклиги кутилаётган даромадга таъсир қилиши У.Шарпнинг активларни баҳолаш моделида инобатга олинмаганлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, ўрта компания ва йирик компаниялар ўртасидаги акциялардан олинган даромад деярли бир хил бўлган пайтда кичик компаниялар акцияларидан олинган даромад уларнинг бозор капитализациясига таъсир қилишини кўрсатиб берди.

Стантман Д⁵ ва Розенберг. Б, Рейд. К ва Р.Ланштейнлар⁶ Нью-Йорк фонд биржасидаги акцияларни таҳлил қилиб, (В/М) коэффицентини, яъни акцияларнинг бозор қиймати унинг баланс қийматига нисбати коэффиценти билан уларнинг ўртача ўзаро даромади ўртасида ижобий боғланиш борлигини кўрсатиб беришган. Улар (В/М) коэффиценти

¹ Fama, E.F. and MacBeth, J.D. (1973) 'Risk, return and equilibrium: empirical tests', The Journal of Political Economy, Vol. 81, No.3, pp. 607–636.

² Basu, S. (1977). Investment Performance of Common Stocks in Relation to their Price–Earnings Ratios: A Test of the Efficient Market Hypothesis, Journal of Finance, Vol.32, No.1, pp. 663–682.

³ Litzenberger, R.H. and K. Ramaswamy, (1980). Dividends, short selling restrictions, tax-induced investor clienteles and market equilibrium, Journal of Finance Vol.35, No.2, pp.469-482

⁴ Banz, R. W. (1981). The Relationship between Return and Market Value of Common Stock, Journal of Financial Economics, Vol.9, No.1, pp. 3–18.

⁵ Stattman, D. (1980) Book Values and Stock Returns, The Chicago MBA: A Journal of Selected papers, Vol. 4, No.1, pp.25–45.

⁶ Rosenberg, B., Reid, K. and Lanstein, R. (1985) Persuasive evidence of market inefficiency, Journal of Portfolio Management, Vol. 11, No. 3, pp.9–17



юқори бўлган компанияларнинг бозордаги қимматли қоғозларидан кутилаётган даромад ҳам юқори бўлишлигини таъкидлайдилар. Л.Бхандра¹ тадқиқотида Нью-Йорк фонд биржасида компанияларнинг оддий акцияларидан кутилаётган даромад билан қарздорлик коэффициенти ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд, деб ҳисоблаган.

¹ Bhandari, L.C. (1988) 'Debt/equity ratio and expected common stock returns: empirical evidence', The Journal of Finance, Vol. 43, No. 2, pp.507–528.



OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI

Mattiyev Sodiqjon Qodirovich,
Urganch davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning zaruriyati, mavjud imkoniyatlari va asosiy yo'nalishlari yoritilgan.

Kalit so'zlar. oziq-ovqat, oziq-ovqat xavfsizligi, bozor, mahsulot, baho.

Oziq-ovqat xavfsizligi mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish holatini ifoda etib, jahon bozori kon'yunkturasi va boshqa tashqi omillarning ta'siridan qat'iy nazar mamlakat aholisiga zarur hayot sifatini saqlab qolish uchun oziq-ovqat iste'molini kafolatlaydi.

Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash masalasi iqtisodiy xavfsizlikning ajralmas qismi hisoblanib, ko'p jihatdan davlat miqyosida ushbu murakkab masalani hal etish bilan bog'liq qonunchilik asoslari, boshqaruv tizimi, ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar, sanoat va qishloq xo'jaligining rivojlanish darajasi kabi bir qator omillar bilan uzviy bog'liq.

Jahon mamlakatlarining tashkiliy-huquqiy hujjatlar to'plamini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash sohasida uning mohiyatini, asosiy unsurlarini, asosiy ko'rsatkichlarini va erishish yo'nalishlarini tushunishga o'xshash yondashuvlar shakllangan. Milliy oziq-ovqat xavfsizligi holatini baholash uchun indikativ ko'rsatkichlar va ularning chegara qiymatlaridan foydalaniladi. Mazkur ko'rsatkichlardan chetga chiqish milliy manfaatlar xavfsizligi darajasining pasayishini va tegishli tartibga solish choralari ko'rishni talab qiladigan vaziyatni yuzaga keltiradi.

Jahon amaliyotida indikativ ko'rsatkichlar ro'yxati quyidagi guruhlar bilan tavsiflanadi. Ya'ni, qishloq xo'jaligi mahsulotlari, xom ashyo va oziq-ovqat mahsulotlarining jismoniy mavjudligi; qishloq xo'jaligi mahsulotlari va oziq-ovqat mahsulotlarining iqtisodiy mavjudligi; aholi toifalari bo'yicha ovqatlanish darajasi va sifati; qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining ekologik barqarorligi; aholi salomatligi; oziq-ovqat xavfsizligi sohasidagi ma'lumotlarning ishonchliligi shular jumlasidandir [1].

Bugungi kunda dunyoning ko'pgina mamlakatlarida tabiiy muvozanatning buzilishi, umumiy suv sathining ko'tarilishi, iqlim o'zgarishi, tuproq unumdorligining pasayishi, sho'rlanishi, sug'oriladigan yer maydonlarining aholi jon boshiga kamayib borishi kabi global muammolar kuzatilmoqda. Bu esa oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash borasidagi sa'y-harakatlarni muvofiqlashtirish va keng miqyosda xalqaro hamkorlikni, kelajakka qaratilgan yondashuv va xulosalarni birgalikda ishlab chiqishni taqozo etmoqda. Jahonning turli mamlakatlarida to'plangan tajriba va amaliyot bilan tizimli va doimiy ravishda almashib turish talab etilmoqda.

Shu bois BMT Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti (Food and Agriculture Organization - FAO) tomonidan global oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda bir qator uslublardan foydalanish tavsiya qilinadi, jumladan [2]:

- yuqori daromadli davlatlardagi subsidiyalar va bozor cheklolvarini kamaytirish. Bular erkin savdoning amalga oshirishga to'sqinlik qiladi va past daromadli mamlakatlardagi fermerlar uchun rag'batni sindiradi;

- rivojlanayotgan mamlakatlar qishloq tumanlarini rivojlantirish, yashash va ehtiyojlar uchun mablag' bilan ta'minlashni kafolatlash, oziq-ovqat xavfsizligini hisobga olgan holda shaffof va adolatli xalqaro savdo tizimini yaratish uchun kengaytirilgan qoidalarni aniqlab olish;

- rivojlanayotgan mamlakatlar oziq-ovqat mahsulotlari xalqaro savdosida faol ishtirok etish va agrosanoat majmuasi korxonalarining foyda olish salohiyatini oshirishga yo'naltirilgan tashabbuslarni amalga oshirish;

- baholar beqarorligiga olib keladigan spekulyatsiya hajmini kamaytirish maqsadida oziq-ovqat bozori va fyuchers bozorlari holatini tahlil qilish va ular ustidan nazoratni kuchaytirish;

- baho va tabiiy sharoitlar bilan bog'liq risklarni uzatish usullarini ishlab chiqish yo'li bilan xalqaro moliya bozorlarida past daromadli mamlakatlar ehtiyojlarini qondirish imkoniyatlarini yaratish;

- favqulodda holatlarda oziq-ovqatlarga ega bo'lish imkoniyatlarini oshirish uchun zahiralardan umumiy foydalanish jumladan, gumanitar yordamlarda, boshqa mamlakatlarga zahiralalar berishga qo'yiladigan cheklolvarni kamaytirish yo'li bilan hududiy va global rivojlanish mexanizmlarini qo'llab-quvvatlash.

O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 30 avgustda qabul qilingan va 2017 yil 18 aprelda o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilgan «Oziq-ovqat mahsulotining sifati va xavfsizligi to'g'risida»gi Qonuni



[3] FAOning uslublariga prinsipial milliy yondashuvning ahamiyatini ko'rsatib beradi. Shuningdek, keyingi yillarda ijtimoiy ahamiyatga ega oziq-ovqat mahsulotlarining asosiy turlariga aholining ortib borayotgan talabini yanada to'liqroq qondirish, ularning xarid imkoniyatlarini mustahkamlash, narxnavoning oshib ketishi, inflyatsiya va aholining real daromadlari tushib ketishiga olib keluvchi omillar shakllanishiga yo'l qo'ymaslik maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Respublika aholisini ijtimoiy ahamiyatga ega oziq-ovqat tovarlarining asosiy turlari bilan ishonchli ta'minlashga oid kechiktirib bo'lmaydigan chora-tadbirlari to'g'risida» Qarori qabul qilindi [4]. Mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligini yanada ta'minlash, bozorni sifatli, xavfsiz va arzon oziq-ovqat mahsulotlari bilan to'ldirish, aholining xarid imkoniyatlarini mustahkamlash, tashqi iqtisodiy faoliyatni liberallashtirish va sog'lom raqobat muhitini rivojlantirish, shuningdek, mazkur sohadagi mavjud tizimli muammolarga (oziq-ovqat mahsulotlari importini monopollashtirish, sun'iy taqchillikni yuzaga keltirish va narxlarni asossiz oshirish) barham berish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligini yanada ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni qabul qilindi [5]. Natijada O'zbekiston jahon mamlakatlari oziq-ovqat xavfsizligi reytingida 64-o'rinni egalladi (2022 yil). Mazkur reyting indikatorlari kesimida oziq-ovqat mahsulotlari narxi 53-o'rin, oziq-ovqat mahsulotlari hajmi 65-o'rin, oziq-ovqat mahsulotlari sifati 64-o'ryundan iborat. Bugungi kunda aholi jon boshiga har kuni 39000 kaloriyali oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirilmogda, bu o'rnatilgan eng faol aholi talabidan (3000 kaloriya) 13 martaga ko'pdir [6].

O'zbekiston qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasida [7] oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash, yuqori qo'shilgan qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarish, qulay agrobiznes muhitini yaratish, qishloq xo'jaligida modernizatsiyalash va investitsiyaviy jozibadorlikni oshirish kabi ustuvor yo'nalishlar belgilangan. Natijada, qishloq xo'jaligini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, mintaqalar tabiiy-iqtisodiy salohiyatidan samarali foydalanish, oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishni keskin ko'paytirish, eksport va import tarkibini takomillashtirish borasida zamonaviy yondashuvlar joriy etilmogda.

Mazkur tendensiyalar mamlakatimizda mahalliy agrosalohiyatni to'la safarbar qilish, fermer xo'jaliklarining samarali faoliyatini tashkil etish, yer-suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va yetkazib berish mexanizmlarini takomillashtirish, oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishda ilg'or xalqaro tajribalarni har tomonlama tadqiq qilish, qishloq xo'jaligi tarmog'ining texnik darajasini zamonaviy talablar darajasiga ko'tarish, tabiiy resurslarni tejashga yo'naltirilgan texnologik jarayonlarni amaliyotga kiritish kabi doimiy amalga oshiriladigan chora-tadbirlarni talab etadi.

Umuman olganda, mamlakatning milliy oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash quyidagi yo'nalishlar bilan bog'liq:

- oziq-ovqat mustaqilligini ta'minlash uchun yetarli miqdordagi qishloq xo'jaligi xomashyosi va oziq-ovqat mahsulotlarining asosiy turlarini ichki ishlab chiqarish imkoniyatlarini oshirish;
- inson salomatligi uchun qishloq xo'jaligi xom ashyosi va oziq-ovqat mahsulotlari sifatining me'yoriy talablarni oshirish;
- faol va sog'lom turmush tarzi uchun zarur bo'lgan hajm va assortimentda aholi uchun xavfsiz va sifatli oziq-ovqat mahsulotlarining yuqori darajadagi jismoniy va iqtisodiy mavjudligiga erishish;
- oziq-ovqat xavfsizligiga ichki va tashqi tahdidlarni o'z vaqtida aniqlash, baholash va prognozlash;
- qishloq xo'jaligi xom ashyosi va oziq-ovqat mahsulotlarining strategik zaxiralarini shakllantirish;
- aholining ayrim toifalari tomonidan oziq-ovqat iste'molining zaifligi holatlarini tezkor monitoring qilish hisobiga ularning salbiy ta'sirini kamaytirish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Мушта А.А., Михалкин Н.В. Продовольственная безопасность// НОП Большая российская энциклопедия. – М.: 2022. <https://bigenc.ru/c/prodovol-stvennaia-bezopasnost-50dc1a>
2. Presentation of the State of Food Security and Nutrition in the World. <http://www.fao.org/europe/events/detail-events/en/c/1298531/>
3. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 30 avgustdagi 483-I-son "Oziq-ovqat mahsulotining sifati va xavfsizligi to'g'risida"gi Qonuni. <https://lex.uz/docs/20326>
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 23 iyundagi PQ-3082-son «Respublika aholisini ijtimoiy ahamiyatga ega oziq-ovqat tovarlarining asosiy turlari bilan ishonchli ta'minlashga oid kechiktirib bo'lmaydigan chora-tadbirlari to'g'risida» Qarori. <https://lex.uz/docs/3249723>
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 16 yanvardagi PF-5303-son «Mamlakatning



oziq-ovqat xavfsizligini yanada ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni. <https://lex.uz/docs/3506750>

6. Global Food Security Index. <http://foodsecurityindex.eiu.com/Country/Details#Uzbekistan>

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 oktabrdagi PF-5853-son «O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi Farmoni. <http://lex.uz/docs/4567334>



ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

О‘QUVCHILARINING TARBIYASIGA TA’SIR ETUVCHI IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK
XUSUSIYATLARINI BELGILOVCHI ME’ZONLAR

Karimov Nurbek G‘aybulla o‘g‘li

Qarshi davlat universiteti

Psixologiya mutaxassisligi magistranti

Email: nurbekkarimov1303@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada o‘quvchilarining tarbiyasiga ta’sir etuvchi ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini belgilovchi me’zonlar tahlil qilingan. Shuningdek psixologiya fanida tarbiya va xulq-atvor haqidagi qarashlar keltirib o‘tilgan. O‘quvchilarning tarbiyalanganlik darajasi mezonlarining ijtimoiy psixologik qonuniyatlari bilan tanishish mumkin.

Kalit so‘zlar: shaxs, tarbiya, xulq-atvor, milliy tarbiya, me’zonlar, axloq, ma’naviyat, ijtimoiy-psixologik xususiyatlar.

O‘quvchilarida milliy tarbiyani rivojlantirish va tarbiya buzilishi muammosini ilmiy jihatdan tadqiq etish bilan bog‘liq masalalarga alohida e’tibor berilib, maktab o‘quvchilari orasida tarbiya maromini yo‘lga qo‘yish va ular xulq-atvorida kelib chiqayotgan turli salbiy illatlarning psixologik sabablarini o‘rganish bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Bu borada, oilaviy tarbiya uslubining o‘quvchilar xulq-atvoriga ta’siri, shaxsda tarbiyaga ta’sir etuvchi ijtimoiy-psixologik omillarni erta psixodiagnostika qilish orqali korreksiyalashni amalga oshirish, ta’lim-tarbiya jarayonidagi muammolarning yuzaga kelishi, ijtimoiylashuv maskanlarida bolaga nisbatan e’tibor, mehr va iliq tuyg‘ularning yetarli darajada bo‘lishini aniqlashga yo‘naltirilgan tadqiqot ishlariga e’tibor qaratish zarurati kuzatilmoqda.

O‘quvchilarining milliy tarbiyasiga, axloq va odobiga ijobiy ta’sir etuvchi shart-sharoitlar va omillarni ilmiy tahlil qilishni taqozo qiladi. Masalaning dolzarbligidan kelib chiqqan holda bugungi kunda butun dunyo miqyosida, shu jumladan, Respublikamizda bolalar tarbiyasiga bog‘liq bir qator ilmiy va amaliy jihatdan asoslangan chora-tadbirlar ishlab chiqilmoqda. Kelajagimiz davomchilari bo‘lgan o‘sib kelayotgan yosh avlod milliy ruhda tarbiyalash va turli xil g‘ayriaxloqiy holatlarning oldini olishga qaratilgan profilaktik chora-tadbirlarni ishlab chiqish har qachongidan ham dolzarb muammo sifatida namoyon bo‘ladi. Nazariy tahlillarda milliy tarbiya psixologik muammo sifatida e’tirof etiladi. Bu esa axloq-odob va shaxslararo munosabatdagi shaxslarning o‘zini jamiyatda tarbiyali va madaniyatli tutishi bilan o‘zaro bog‘liqlikdagi muammolar sifatida o‘rganiladi. Shu bois tadqiqotimizda o‘quvchilarining tarbiyalanganlik darajalarini differensial tahlilini amalga oshirildi.

O‘quvchilarida milliy tarbiyaning o‘ziga xos xususiyatlarini empirik o‘rganish «O‘quvchilarning tarbiyalanganlik darajasini aniqlash (TDA)» so‘rovnomasi orqali amalga oshirildi. [1. 11] Buning uchun o‘quvchilarning ko‘rsatkichlarini qanday statistik mezon bo‘yicha tahlil qilish masalasi metodika natijalarini normal taqsimlanishga mosligini tekshirishga olib keldi.

Shuningdek, o‘quvchilar shaxsidagi emotsional beqarorlik, qo‘zg‘aluvchanlik xususiyatlariga barham berishga erishish hamda ularda o‘z xatti-harakatlarini boshqara olish va fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish bilan bog‘liq bo‘lgan holatlarda bolalarda xulq og‘ishining oldini olishga erishib, ularni milliy odob axloq ruhida tarbiyalay olamiz. O‘quvchilarida tarbiya jarayoni shaxs xususiyatlari bilan tashqi muhit voqea-hodisalari o‘rtasidagi murakkab bog‘lanishli jarayon bo‘lib hisoblanadi. Bu jarayonda o‘quvchilar shaxsi subyekt sifatida tashqi muhit axborotlarini qabul qiladi va qayta ishlaydi. Obyekt sifatida esa tashqi muhit elementlari shaxsga ta’sir etuvchi element sifatida ifodalanadi.

O‘quvchilar shaxsining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari shunday o‘ziga xos imkoniyatlarga egaki, u ba’zan shaxsning sog‘lom munosabatlari va sog‘lom turmush tarzini belgilasa, ba’zan esa nosog‘lom xulq-atvorning kelib chiqishi uchun imkoniyat yaratadi. Ushbu xususiyatlar boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida g‘ayri qonuniy xulq-atvorning kelib chiqishining oldini olishga qaratilgan psixologik-pedagogik jihatdan ta’sirchan tadbirlarni ishlab chiqish zaruriyatini ko‘rsatadi.



O'quvchilarining u yoki bu sifatlari ijtimoiy muhitda, ya'ni oilada, jamoada, maktabda, mahalladagi ijtimoiy-psixologik munosabatlarda shakllanadi. Kichik ijtimoiy guruhlar sharoitida esa shaxsning ijtimoiy sifatlari, maqsad va yo'nalishlari, xarakteri, qiziqishlari, ehtiyojlari shakllanadi va tarkib topadi. Shuning uchun tarbiya kichik maktab yoshidagi bolalar shaxsini o'rganishda yetakchi bo'lgan o'yin va o'qish faoliyatning muhim xususiyatlaridan kelib chiqib, ularni aniq shaxs sifatida oilada, jamoaviylik sharoitida, tasodifiy vaziyatlarda shakllanishini tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etadi. [2. 37]

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, o'quvchilarida ijtimoiy tartib va meyorlarni qabul qila olish, o'zini o'zi anglash, tashqi muhitda sodir bo'ladigan voqea va hodisalarining ijobiy jihatlarini ko'ra olish, o'z istak, mayl, qiziqish va qarashlari atrofida fikr-mulohaza yurituvchanlik xususiyatlarining ustunligi hamda muammoli vaziyatlarga, qiyinchiliklarda sobitqadamlik bilan oqilona yondashuvlari tufayli axloq va odobning namoyon bo'lishi kuzatiladi. Shuningdek, ulardagi bunday xususiyatlar ko'pincha, shaxsning o'z xatti-harakatlari motivatsion asosini anglab yetishiga olib kelib, o'quvchilarning o'z xatti-harakatlari mazmun va oqibatini anglab yetishi hamda bunday vaziyatlarda oqilona harakatlarning sodir etilishiga imkoniyat yaratish mumkin.

Tarbiya - shaxsda muayyan jismoniy, ruhiy, axloqiy, ma'naviy sifatlarni shakllantirishga qaratilgan amaliy pedagogik hamda psixologik jarayondir. «Milliy tarbiya» - ma'lum bir shaxs yoki xalqning jamiyatda komil inson bo'lib shakllanishi uchun shaxsda milliy mafkura, milliy g'urur, milliy ong kabilarni shakllantirish jarayondir. [3. 21]

Milliy axloq-odob qoidalariga rioya etishda o'quvchilarning xulq-atvoriga bo'lgan munosabati bo'yicha ko'rsatkichlar quyidagicha belgilanadi:

- Kuzatuvchanlik
- Xushmuomalalik
- Munosabatga kirishishda faollik
- Ijtimoiy axloq mohiyatini tushunish
- Ma'naviy-ahloqiy sifatlarga intilish

Mehnatsevarlik kabi mezonlar o'quvchilarni tarbiyalari uchun asosiy omillardan ekaligini ko'rsatdi. Bu omillar o'quvchilarda milliy tarbiyani shakllanishiga sabab bo'lishini ko'rsatmoqda.

Olib borgan tadqiqotimiz davomida ma'lum bo'lidiki, o'quvchilarni milliy qadriyatlarimizga asoslangan axloq qiyofa va odobga o'rgatish uchun maktab ta'limi va sinfdan tashqari jarayon, oila muhiti, o'zini-o'zi baholashi, shaxslararo munosabatlarda bolalarning eng avvalo xulqidagi o'zgarishlarni ijtimoiy-psixologik, xarakter xususiyatlarini hisobga olish talab etiladi. Shuningdek, o'quvchilarida milliy tarbiyani rivojlantirish ishlari ta'limsiz amalga oshmasligi bilan bilan xarakterlanadi. Umumiy ijtimoiy chora-tadbirlarga jamiyatni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan rivojlantirish, siyosiy barqarorlikni ta'minlash, xalqning turmush tarzi va mikromuhit munosabatlarini yaxshilash, fuqarolarning madaniy-ma'naviy va ma'rifiy salohiyatini o'stirish va boshqalar kiradi.

Olib boriladigan individual tasnifdagi tadbirlar ega bo'lgan bolalarning shaxs xususiyatlari, ularning psixologiyasi, ongi, qadriyatlar mo'ljali, hayotiy startegiyasi va istiqbollari xususiyatlarini hisobga olgan holda turli vazifalarni ishlab chiqish va tadbir etish tushuniladi. O'quvchilarida milliy tarbiyaga ta'sir etuvchi omillarning mohiyatini tushunish uchun avvalo bolalarning yosh davrlari xususiyatlaridan kelib chiqib, uning hayoti uchun muhim bo'lgan barcha jarayonlarda bolalar shaxsiga qanday ta'sir ko'rsatish xususiyatini bilib olish talab etiladi. Ushbu masalani yechish uchun tabiiy ravishda shaxsning faoliyatiga aloqador bo'lgan ma'lumotlardan foydalanishga to'g'ri keladi.

O'quvchi o'zgaralar tomonidan o'qitilishi kerak bo'lgan ta'lim obyektidan o'qitish va tarbiyalash kesimida o'zi bevosita faol ishtirok etadigan subyekt darajasiga ko'tarilmoqda. ya'ni, tarbiyalanuvchi xuddi o'qituvchi singari dars jarayonining ijrochisiga aylanib bormoqda. Insoniy kamolotni ta'minlashda o'quvchilarning o'z ishtiroki, ularning bilim olish va tarbiyalanish yo'lida bevosita qatnashishi masalasi yangilanayotgan milliy pedagogika va psixologiyada dolzarb ahamiyat kasb etyapti. [4. 131] Bugungi kunda ta'lim va tarbiya ilmi va amaliyotida muhim o'zgarishlar yuz bermoqda. Bu tizimning vazifasi o'quvchilardagi ichki imkoniyatni uyg'otib, uni o'qiydigan va tarbiyalanadigan qilishi lozimligi hamda butun kuchini shunga yo'naltirishi zarurligi tushunib olindi. Buning uchun ta'lim-tarbiya kesimida qatnashayotgan har bir bolaning ongli ehtiyoji va ichki qiziqishini uyg'otish talab qilinadi. Bunday ehtiyoj va qiziqish esa faqat mustaqil fikrli kishida bo'ladi. [5. 124]

Bola shaxsini ma'naviy jihatdan yetuk bo'lishi uchun o'z millati, tarixi, madaniyati, san'ati, dini, axloqiy-ma'naviy qadriyatlari, oila an'analari, urf-odatlarini chuqur bilish va ulardan ma'naviy ozuqa olish, g'ururlanish tarbiyaviy xarakter kasb etadi. Barkamol insonni, avvalo oila uchun, qoleversa o'zi



yashab turgan jamiyati, xalqi, vatani uchun fidoyi shaxsni tarbiyalash oiladan boshlanadi. Shuning uchun ta'lim–tarbiya muassasalari, oila, mahalla, jamoa, davlat xo'jaligi hamda tuman rahbarlari oila ravnaqiga va ayni chog'da oila tarbiyasiga diqqat-e'tiborini qaratishlari zarur. Doimiy ravishda voyaga yetayotgan bolalarni xulqini va shaxsining umumiy holatini tahlili, bolalarda xulq og'ishining oldini olishga qaratilgan profilaktik chora–tadbirlarni olib borish orqali sog'lom, namunali xulqli avlodni jamiyatga yetkazib beriladi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Абульханова-Славская К.А. Типология активности личности// Психология личности и образ жизни. –М.: 1997. -10-11с.
2. Жуманазарова Д. Миллий тарбиямиздаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатларимиз. Илмий-оммабоп рисола.-Т.:«Фан» нашриёти, 2009.37-38 б.
3. Камилова Н.Ф. Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ресоциализациясининг психологик хусусиятлари. Автореферати. Тошкент.: 2020. -21 б.
4. Богомолова Н.Н., Малышева Н.Г., Стефаненко Т.Г. Контент-анализ // Социальная психология: Практикум: Учебное пособие для студентов вузов / Под ред. Г.М.Андреева. М.: Аспект-Пресс. 2006. С. 131-162.
5. Маслоу А. Мотивация и личность. –СПб.: Питер. 2006. -124 с.



О‘ЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИКА СОHASINI RIVOJLANTIRISHNING
ZARURIYATI

Umarova Feruzabonu Bobir qizi

O‘zbekiston- Finlandiya
pedagogika instituti o‘qituvchisi

Annotatsiya. Mazkur maqolada pedagogika universiteti va institutlari talabalarining kasbiy rivojlanish sharoitida kompetensiyaviy yondashuvlarga ega bo‘lishlari va amaliyotdagi pedagogic madaniyati hususida so‘z boradi. Bo‘lajak o‘qituvchilar uchun o‘zlashtirilishi lozim bo‘lgan pedagogic sifat va tayyorgarlik mazmuni yoritilgan.

Kalit so‘zlar. Kasbiy tayyorgarlik, professional, mutaxassis, kompetensiya, tayyorgarlik, strategik, ta‘lim, pedagog, metodlar, oliy ta‘lim muassasalari.

Аннотация. В статье рассматривается освоение компетентных подходов и педагогической культуры на практике студентами педагогических вузов и институтов в контексте профессионального развития. Выделены педагогические качества и содержание подготовки, которыми должны овладеть будущие учителя.

Ключевые слова. Профессиональная подготовка, профессионал, специалист, компетентность, подготовка, стратегическое, образование, педагог, методы, высшие учебные заведения.

Abstract. The article examines the development of competence-based approaches and pedagogical culture in practice by students of pedagogical universities and institutes in the context of professional development. The pedagogical qualities and content of training that future teachers should master are highlighted.

Keywords. Professional training, professional, specialist, competence, preparation, strategic, education, teacher, methods, higher education institutions.

Mamalakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi bilan bir qatorda bugungi kunda ta‘lim tizimining rivojlanib borishi zamon talabiga mos ta‘lim-tarbiyaga qaratilgandir. Pedagoglarning o‘z ustida ishlashi, tinmay izlanish olib borishi hamda, o‘quv jarayonini zamon talablari darajasida, ilmiy asosda tashkil etish uchun zaruriy sharoitlarni yaratib berish bilan bir qatorda, ijtimoiy tajribalarga asosan ish olib borish lozimdir.

